А.Б. Ирматова,
и.ф.н., катта ўқитувчи, ТДИУ

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ КАПИТАЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

На сегодняшний день развитие интеллектуального капитала является необходимым элементом развития экономики государства. Главная цель статьи состоит в том, чтобы показать важность развития интеллектуального капитала и изучить основные формы его поддержки на примере зарубежного опыта. В статье обосновывается необходимость поддержания интеллектуального капитала и раскрывается опыт зарубежной практики в финансировании и развитии интеллектуального капитала, в частности государственным и частным сектором.

Nowadays intellectual capital has been developed as one of the considerable component of economic development of the state. The main aim of the article is to highlight the importance of intellectual capital development and to learn the essential forms of its funding in terms of international experience. The authors also determine the considerable role of financial research and development funding intellectual capital provided by the public or private sector especially abroad.

Калитли сўзлар: *интеллектуал капитал, инсон капитали, тузилмавий капитал, мижозлар капитали, грантлар, тадқиқот, ривожлантириш, мувофиқлаштириш бозори.*

Бугунги кунда интеллектуал капитал иқтисодий тизимнинг рақобатбардошлигини белгиламоқда ва унинг ривожланиши учун муҳим манба ҳисобланмоқда. Интеллектуал капиталдан фойдаланиш, уни ривожлантириш, ташкил этиш жараёнида бозор муносабатларининг барча субъектлари, жумладан тижорат, давлат ва жамоат ташкилотлари иштирок этади. Ҳар бир мамлакатни ижтимоий-иқтисодий муваффақиятли ривожланиши жамиятнинг кенг қамровли билим, маълумот ва янги ғоялари ҳамда уларни унумли қайта ишлаш салоҳиятга боғлиқ.

Кейинги йилларда барча ривожланган мамлакатларда кўчмас мулк ва моддий объектларга нисбатан корхонанинг сармоясини интеллектуал капитали орқали жадал ривожлантирилиши кузатилмоқда. Бу тенденция оғир иқтисодий шароитларда ҳам сақланиб қолинмоқда. Барча мамлакатларда корхона инвестицияси интеллектуал капитал орқали моддий сармоясининг ўсиши кузатилокда. Бу ҳатто глобал инқироз даврида ҳам ўзининг мустаҳкамлилиги (ишончлилиги) билан ҳам ажралиб турди. Бу шу билан асослантирилмоқдаки, ишлаб чиқариш суръатлари ўсиши интеллектуал салохият орқали корхона сармояси ўсишига хизмат қилади. Евро Иттифоқи ва АҚШдаги тадқиқотлар натижасига кўра, интеллектуал капитал киритилиши меҳнатдаги ишлаб

чиқариш самарадорлиги суръатининг 20 % дан 34 % гача ўсишини ташкил этди.

Иккинчидан, интеллектуал капиталнинг ўсиши ҳам иш ҳақининг тенгсизлиги ва бандлик учун катта оқибатларни келтириб чиқаради. Иқтисодиёт интеллектуал капиталга урғу берган ҳолда қўлда бажариладиган қолоқ бўлмаган ва когнитив операцияларни амалга оширувчиларнинг ҳам кўникмаларини мукофотлайди, шунингдек, пировардида ходимларга қараганда интеллектуал капитал мулкдорларига айланадиган инвесторларни кўпроқ мукофотлаши мумкин.

Чет эл амалиётида интеллектуал капитални ривожлантириш олий мактабларда давлат томонидан илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш ёрдамида амалга оширилади. Буюк Британияда интеллектуал капитални ривожлантириш “икки томонлама қўллаб-қувватлаш” тизими воситасида амалга оширилади. Стратегик молиялаш бир йўла бериладиган субсидиялар орқали амалга оширилади. Инновациялар, университетлар ва ваколатлар департаменти тадқиқотлар кенгашларини молиялайди, тадқиқотлар кенгашлари эса, ўз навбатида, мамлакатда тадқиқотларга лойиҳа асосида инвестиция киритади. Шундай қилиб, бир йўла бериладиган субсидиялар барқарорликни ва университетлар ўз ривожланиш дастурларига мувофиқ сарфлаши мумкин бўлган стратегик ресурсларни таъминлайди, айни пайтда тадқиқотлар кенгашлари томонидан лойиҳа асосида молиялаш турли лойиҳалар ўртасида кескин рақобат юзага келишини таъминлайди.

Ирландияда олий ўқув юртининг интеллектуал капитали олий таълим ва саноат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш орқали тараққий этмоқда. Бунда давлатнинг инновацион жараёнлардаги роли катта аҳамиятга эга: олий таълим тизими билан саноат ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш борасидаги бир қатор ташаббуслар кенг қўллаб-қувватланмоқда. Билимларни тўплаш ва алмашиш, инновациялар яратиш ва имкониятлардан фойдаланиш мақсадида фан, инженерия ва технология марказларининг таъсис этилиши бундай ташаббусга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Олий ўқув юртлари қошидаги амалий тадқиқот марказлари у ёки бу лойиҳадаги тижорат имкониятларини аниқлаш, корхоналар билан шартномалар тузиш, университет кафедраларининг интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида тадқиқотчилар билан иш олиб оради. Бундан ташқари, академик тадқиқотчилар билан саноат ўртасидаги алоқалар стратегик тадқиқот кластерлари ичида ҳам қўллаб-қувватланади.

Норвегияда таълим ва фаннинг ўзаро ҳамкорлигига катта эътибор қаратилади, бу ерда кўп сонли давлат ва хусусий илмий тадқиқот институтлари мавжуд (уларнинг улушига ўқитувчилар илмий тадқиқот фаолияти учун харажатларнинг қарийиб 23 фоизи ва барча илмий тадқиқотларнинг тахминан 27 фоизи тўғри келади). Норвегиянинг барча олий ўқув юртлари фундаментал тадқиқотлар олиб бориши ва ОЎЮ битирувчиларининг ишидан ҳамда докторантлар дастурларидан фойдаланган ҳолда илмий ходимларни тайёрлашни амалга ошириши шарт. Университетлар нафақат фундаментал тадқиқотлар олиб бориши ва илмий ходимларни тайёрлашнинг амалга

оширилиши учун, балки ўз ходимлари томонидан яратилган ихтиролар натижаларидан тижорат йўлида фойдаланиш учун ҳам жавоб беради. Давлат инвестицияларининг улуши нисбатан юқори, ЯИМнинг 1,7 фоизига яқин [1].

Сингапурнинг олий мактаб интеллектуал капиталини ривожлантириш борасидаги тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Сингапур олий ўқув юртларидаги олимлар тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида катта ўзгаришга қўл урди. Бундай стратегиянинг мақсади олимларнинг жисмоний ва эмоционал бардамлигини таъминлаш (мослаштириш), уларнинг илмий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш ва имкон қадар очиб бериш, илмий ютуқларни молиявий рағбатлантириш ва ҳоказолардан иборат. Таълим кенгаши томонидан илмий тадқиқотларни тайёрлаш учун кенг қамровли дастурлар амалга оширилмоқда. Олимнинг кучли ва заиф томонлари аниқланади, аспирантура тугаганидан кейин олим 2 йилни илмий тадқиқот институтида ўтказади, сўнгра саноат, корпоратив лабораториялар, давлат бошқаруви, олий ўқув юртлари ёки илмий тадқиқот институтларига йўллардан бирига танлайди. Сингапурда ҳам «A*STAR» фан, технологиялар ва тадқиқотлар агентлиги мавжуд бўлиб, у фан ва технологиялар давлат секторини назорат қилади, 12 та илмий тадқиқот институтини бошқаради, университетлар ва бошқа тузилмаларга грантлар ажратиб, мамлакатнинг ёш олимларини жаҳоннинг энг яхши олий ўқув юртларига юборади. Иқтидорли олимлар учун турли мукофотлар ва стипендиялар тўланади. Докторлик ишидан кейинги тадқиқотлар «A*STAR» халқаро ташкилоти томонидан тўланадиган стипендиялар ҳисобидан молияланади. Халқаро алоқаларни кенгайтириш ва янги кўникмаларга эга бўлиш мақсадида аспирантлар икки йил мобайнида етакчи чет эл лабораторияларида тадқиқотлар ўтказадилар. Фан учун давлат харажатлари бир йилда 600 млн. АҚШ доллари + 35 % хусусий маблағларни ташкил қилади [2]. Бундан ташқари Сингапур ҳукумати ҳар доим субсидиялар, солиқ солинадиган ва солиқ солинмайдиган қарзлар бериб туради ҳамда университетлар қошидаги бизнес-кластерларни ривожлантириш мақсадида илмий тадқиқотлар ва корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун турли молиявий ёрдам кўрсатади. 2011 - 2016 йилларда илмий тадқиқотларни молиялаш учун 16.1 млрд АҚШ доллари сарфлаш режалаштирилган. Сингапур ҳукумати ва таълим вазирлиги қўшма технологик компаниялар ташкил этиш мақсадида университетларни ўз илмий тадқиқотлари ва натижаларини тижорат маҳсулотига айлантиришга даъват этади [3].

Американинг айрим университетларида олимларнинг илмий тадқиқот ишлари грантлар кўринишида ташқи манбалардан, шу жумладан хусусий бизнес ва ҳукумат ташкилотлари томонидан молияланади. Хусусий инвестициялар ҳақида тўхталадиган бўлсак, илмий тадқиқотлар натижаларидан фоизлар олувчи ва грантлар кўринишида молияланадиган нотижорат ташкилотлари акцияларнинг катта улушига эга бўлгани ҳолда олимларни грантлар бериш орқали қўллаб-қувватлайди. Бундай грантлар нуфузли ва рақобатбардош. Агар олий ўқув юртидаги олим тадқиқот ўтказиш борасида тажрибага, илмий тадқиқотлар соҳасида, айниқса китоблар ёзиш ва чоп эттиришда салмоқли хизмат рўйхатига эга бўлса, у ҳолда кўп сонли грантларни олиш эҳтимоли

катта. Ёш олимларда тадқиқотлар улушининг кичиклиги туфайли молиялашнинг бундай турида имкониятлар кам. Университет профессорлар таркиби учун энг қулай ёндашув – жаҳонда машҳур олимлар томонидан ўтказилаиган тадқиқот лойиҳаларида ва қатор ишланмаларда ҳаммуаллиф сифатида иштирок этишдан иборат. Айнан олий ўқув юрти «бизнес ангел» сифатида иштирок этади. У факультетларга олимларнинг илмий тадқиқот ўтказиш салоҳиятини сақлаб туриш мақсадида кичик ҳажмдаги пул маблағлари суммасини ажратади. Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари таркибининг муваффақиятли тадқиқотчилик фаолияти унинг даромадини оширади.

Шундай қилиб, олий ўқув юртининг интеллектуал капиталини ривожлантириш чет эл амалиётидаги қуйидаги асосий йўналишларни ажратиш мумкин:

- янги илмий-амалий ғояларнинг муваффақиятли қўлланилиши тасодифан юз бермайди, улар узоқ муддатли истиқболдаги тадқиқотларни ўзида намоён этади ва кўп жиҳатдан хусусий инвестицияларга ҳам академик инвестицияларга ҳам боғлиқ;
- университетни молиявий қўллаб-қувватлаш илмий ғояларни илгари суриш учун муҳим соҳа ҳисобланади, улар келгусида бизнес ва иқтисодиётни ривожлантириш ёки ҳатто улардаги янги йўналишларни барпо этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин;
- илмий сиғимли бозор ҳамда хорижий бизнес-ангеллар ва бизнес-капиталистлар салоҳияти олий ўқув юртининг интеллектуал капиталини диверсификация қилиш мақсадида илмий тадқиқотлар ва лойиҳаларнинг илгари сурилишини белгилаб беради;
- иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва давлат сектори билан қалин ҳамкорлик олий ўқув юртларининг илмий ҳамжамиятларига ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш ва ўз ютуқларини иқтисодиётнинг турли секторларига жорий этиш имконини беради;
- университетнинг интеллектуал капиталини ривожлантиришда чет мамлакатларда давлатнинг роли ва унинг ИТТКИни молиялаши асосий ўрин тутади.

Олий ўқув юртининг интеллектуал капиталига ва ИТТКИга киритилган давлат молиявий маблағлари ва хусусий инвестицияларнинг улуши қандай роль ўйнашини тушуниш учун ҳомий компанияларнинг баланс ҳисоботлари ва бизнес-ангелларнинг молиявий маблағларни жалб қилишда ИТТКИга балансдан ташқари харажатларини кўриб чиқиш даркор.

Муаллифлар томонидан шу нарса аниқландики, бугунги кунда эндигина шаклланаётган кўп полярли оламда фан тараққиётининг тўртта асосий маркази юзага келмоқда – АҚШ (харид қобилияти паритети бўйича ИТТКИга жаҳон харажатларининг 35 фоизи), Европа Иттифоқи (24 %), Япония ва Хитой (тахминан 12 фоиздан) [4].

Университет фани фаолиятнинг юқори рақобат соҳасига айланди. Хитой ўтган ўн йилликда ИТТКИга харажатлар бўйича жаҳонда учинчи ўринга чиқди ва яқин вақт ичида Японияни иккинчи ўриндан сиқиб чиқариши, 2020 йилларда

эса АҚШ билан тенглашиши кутилмоқда. Илмий мақолалар сони бўйича (2008 йилда 120 мингта) ХХР иккинчи ўринда. Хитой улушига жаҳонда чоп этилган илмий мақолаларнинг 8,5 фоизи тўғри келади [5], 2012 йилда эса Хитойда ИТТКИга харажатлар улуши 163 млрд АҚШ долларини ташкил қилди. Ҳиндистонда ИТТКИга давлат харажатлари ЯИМнинг 0,9 фоизини ташкил қиларди, 2012 йилда эса ҳукумат дастурига мувофиқ у ЯИМнинг 1,2 фоизига етди. Ҳиндистоннинг илмий мақолалардаги улуши 3 фоизни ташкил қилади [6]. Ҳиндистон ахборот технологиялари ва алоқа воситаларида ИТТКИни ривожлантириш бўйича жаҳонда АҚШ, Япония ва Хитойдан кейин тўртинчи ўринда туради. ОЭСР маълумотларига кўра, Россияда иқтисодиётда банд бўлган 1000 нафар кишига 6,7 та илмий тадқиқот тўғри келади. Ушбу кўрсаткич бўйича еткачилар – Финляндия (15,4), Япония (11,0), АҚШ (9,7), Жанубий Корея (9,5) ва Франциядан (8,3). Етакчи Ғарб мамлакатларида ИТТКИга харажатлар ЯИМнинг 2-3 фоизини, шу жумладан АҚШда ЯИМнинг 2,7 фоизини, Япония, Швеция, Исроил каби мамлакатларда эса ЯИМнинг 3,5-4,5 фоизини ташкил қилади ВВП. Хитой ИТТКИга харажатларни жуда юқори суръатлар билан оширмоқда (ЯИМнинг 1,7 фоизи). Кейинги ўн йилликда фанга харажатлар ҳажми бўйича Хитойнинг АҚШга етиб олиши кутилмоқда. ИТТКИга харажатлар Ҳиндистонда ҳам жадал суръатлар билан ўсмоқда. 2012 йилга келиб улар ЯИМнинг 2 фоизини ташкил қилади. Европа Иттифоқи ўз олдига ИТТКИга харажатлар ҳажмини ЯИМнинг 3 фоизигача ошириш вазифасини қўйган.

2012 йилда АҚШ ИТТКИ учун 223.2 млрд доллар, Япония 141 млрд доллар, Франция 49.9 млрд доллар, Буюк Британия 39.5 млрд доллар сарфлади [7]. ОЭСР маълумотларига кўра, корпоратив секторнинг «интеллектуал активлар» (ИТТКИ, патентлар ва савдо белгилари, кадрлар тайёрлаш, менежмент тизимини мақбуллаштириш ва ҳ.к.)га ҳар йили киритадиган инвестициялари ҳажми ҳозирги вақтга келиб етакчи ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг 8-11 фоизини, АҚШда эса ЯИМнинг 12 фоизига яқинни ташкил қилмоқда (компанияларнинг асосий воситаларга капитал қўйилмалари ҳажми ҳам деярли шунча). АҚШ хусусий бизнесининг ИТТКИни умумий молиялашга қўшаётган ҳиссаси энг юқори бўлиб, федерал ҳокимиятлар мамлакатда фундаментал тадқиқотларнинг амалга оширилишини таъминлаш ва фан соҳасидаги давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш учун асосий жавобгарликни ўз зиммасига олган. ИТТКИ соҳасидаги федерал активлар капитализацияси 1,4 трлн. долларни ташкил қилади. Ушбу сумманинг тахминан ярми (692 млрд. доллар) фундаментал фанлар улушига тўғри келади [8]. Экспертларнинг баҳоларига кўра, АҚШ, Хитой, Япония ва ЕИ мамлакатлари 2014 йилда ИТТКИга 1,6 трлн АҚШ доллари (78 фоизга яқин) сарфлайди [9].

1-жадвал

ЯИМ дан ИТТКИ га йиллик инвестициялар ҳажми, фоизда

Давлатлар	2012	2013	2014
1	*2*	*3*	*4*
АҚШ	2,5	2,4	2,5
Осиё давлатлари	1,8	1,9	1,9
Европа Иттифоқи	1,9	1,9	1,8
Ўзбекистон	0,3	0,3	0,3

Источник: 2014. Global R&D Funding forecast December. December 2013. P. 4. URL: www.rdmag.com.http://www.rdmag.com.

Ўзбекистонда ЯИМ дан ИТТКИ га йиллик инвестицияларга ҳаражатлар атиги 0,3 % ни ташкил этмоқда, бу ривожланган давлатларнинг бу соҳага қилаётган харажатларнинг 7-10 баробар кам. Иқтисодиётимизнинг модернизациялаш учун илм-фан соҳасида пухта ўйланган давлат дастурлари зарур.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида илм-фан ва инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш, жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётига, хусусан, иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларига замонавий иннновацион ва юқори технологияларни жорий этиш, мутахассисларга шароитлар яратиш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу давр ичида соҳани жадал ривожлантириш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишга йўналтирилган 50 дан ортиқ қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, бугунги кунда ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган устувор йўналишлар (инновацион иқтисодиётни шакллантириш; қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш; ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш; тиббиёт ва фармакология в.б.) доирасида Давлат инновация илмий-техника дастурига асосан кўплаб инновацион лойиҳалар бажарилмоқда.

2006-2014 йиллар давомида давлат илмий-техника дастурларини молиялаштириш ҳажми 568,1 млрд. сўмни ташкил этган. Хусусан, биргина 2014 йилда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари ҳисобидан илм-фанни ривожлантиришга 187,0 млрд. сўм ёки 2013 йилга нисбатан 13,6 % кўп маблағ сарфланди. Ушбу маблағлар илмий-техника, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, илм-фанни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа харажатларга йўналтирилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, қонунчилигимизга кўра фан соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш мақсадида халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик лойиҳаларига хорижий ҳамкорлар томонидан ажратилган маблағлар солиқлардан, ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонга олиб

келинадиган илмий асбоб-ускуналар, реактивлар ва бошқалар — божхона тўловларидан озод этилган.

Юқорида келтирилган таҳлиллар ва ўрганишлар натижасида амалий ва инновация лойиҳаларини бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига амалга ошириш борасида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар мавжуд эканлигини кўриш мумкин. Хусусан, инновация фаолияти, ИТТКИ ҳозирги вақтда асосан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштирилиб келинмоқда. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, инновация фаолиятини нафақат давлат бюджети ҳисобига, балки бюджетдан ташқари, хусусий сектор маблағлари ҳисобига амалга ошириш янада самаралидир.

Шундан келиб чиқиб, бу йўналишда миллий инновацион устуворликларни амалга оширишнинг стратегияси ва механизмларини ривожлантириш мақсадида давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини йўлга қўйиш, иқтисодиёт соҳаларида хусусий бизнес иштирокида унча катта бўлмаган ва қисқа муддатда ўзини оқлайдиган инновацион лойиҳаларни жорий этиш, Давлат бюджети, корхона ва ташкилотларнинг молиявий қўйилмалари, ҳомийлик ва хайрия маблағлари ҳисобидан Инновация жамғармасини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Обзор международного опыта инновационного развития. 2011. [Мант]: [Электрон ресурс] :http://www.smartgrid.ru
2. Ягупа Е.Г. Интеллектуальный капитал современной кафедры вуза. [Матн]: [Электрон ресурс]. www.teoria-practica.ru.
3. National Framework for Research, Innovation and Enterprise. URL:http://www.nrf.gov.
4. R&D Magazine. 2014 Global R&D Funding Forecast, December 2013, P. 3-5 б.
5. Global Research Report: China. Thomson Reuters. November 2013
6. National Framework for Research, Innovation and Enterprise. URL:http://www.nrf.gov.
7. National Framework for Research, Innovation and Enterprise. URL:http://www.nrf.gov.
8. Analytical Perspectives. Budget of the United States. Fiscal Year 2014. Office of Management and Budget. W., 2013, P.336.
9. Global R&D Funding forecast December. December 2013. URL:www.rdmag.com. P. 4.